

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ •

• Баҳоси эркин нарҳда •



ҚЎШИҚ УМРИ

Қўшиқ — дарёдир. У, барча бахтли кунлар фараҳларини, айна дамда барча бахтсизликларнинг юракдаги тугунларини шарҳлаб беради. Қўшиқ сувагини фақат қўшиқдагина кўриш мумкин. Алалхусус, тасаввуротингизда лиммо-лим тўлиб оқайган кўнги — қўшиқ, сизни ўзининг соҳир бағрига торғади. Инжа бир сеҳр сайди — нигоҳингиз, баъзан соҳилда қолган ҳамроҳингиз каби хонандани эътибордан бир зум қолдирса-да, ажабмас. Чунки, кўз олдингизда сокин виқор билан ҚЎШИҚ оқмоқда. Сизни бегубор дунёлар томон оқизиб кетмоқда қўшиқ — зеро, у дарёдир.

Ўйчан оқайган қўшиқ умрининг барча ҳолатларини эсга солса-да, бундан руҳингиз тозариб бораётганлигини сезасиз, холос. Қўшиқ гоҳ жон олса, гоҳ жон бахш этса... ҳар на қилса-да, жонингиз фақат орам топгани нигоҳингиздан сезилади. Ило, Шайх Саъдий ҳазратлари лутф қилмишларки: «Хушовоз хонанданинг қўшиғи жонга роҳат» деб...

Дарвоқе, хонанда. «Соҳилда қолган ҳамроҳингиз» десак ажабланманг. Қўшиқ дунёсининг чин фуқаролари бўлмиш бу зотлар ўзини унутиб, ўзини унуттириб... куйлаганларида, соъме қўшиқ билан узоқларга кетган бўлади. Бу сафарги ҳамроҳингиз ҳам... Ҳа, сиймоси таниш. Илҳом ЖҲРАЕВ. Тингловчиларини ўз қўшиқларининг тубига гарқ қилган хонанда. Кўнгида ноўриндай кўринган савол кечади: Илҳомга илҳом берган ўз қўшиқлари эмасми?

Хонанда ҳаётга назар ташласак, бир нарса хотирга тушади. Эмишки, тангри таоло ҳар бир одамни яратаётганда уни иккига, икки жинсга бўлиб кўяр экан. Агар, ҳаётда бу икки вужуд топшиар экан, бу чинакам муҳаббатдир. Шул боисми, оила сўзи илаҳо сўзига боғлиқдай туюлади. Хонанда ҳам рафиқаси Санобар Раҳмонова билан дили бир, тили бир инсон. Улар жўровозликда айтган қўшиқлар, биргалликда тайёрлаган концерт дастурларининг элга манзур бўлиши шундан-дир. Улар оилада ҳам якдилдирлар. Уч нафар фарзанди (Дилобар, Исломжон, Ихлосбек) улар учун дунёнинг энг гўзал шодлиғи.

Айтмоқчимизки, тўлиб оқайган қўшиқ ҳам, жилмайиб турган фарзанд ҳам хофиз учун бирдек азиздир.

Икром ИСКАНДАР

УШБУ СОНДА:

ДИЛБАР РАҲИМ ҚИЗИ:

«ЁҚМАДИ» ЭМАС, ЁҚТИРИНГ

4-бет

 ИНГЛИЗЧАНИ БИР ОЙДА
ЎРГАНСА БЎЛАДИ

6-БЕТ



КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

НАБИ ЖАЛОЛИДДИН:

ОТА ДУОСИНИНГ ҚУДРАТИ

АҲМАДЖОН ҚОСИМ:

ГАНДИЛАР МЕРОСҲУРИ БОРМИ?

АЛИЖОН САФАРОВ:

ҚУРҚУВ ИСКАНЖАСИДАГИ ҚИЗ

«Оила ва жамият» 22(145)

Бир куни

КИТОБИНГИЗ БУНЧА ҚИММАТ?

Адабиётшунос олимлар Қозоқбой Йўлдошев билан Ваҳоб Раҳмонов Сирдарёнинг Бахт шаҳридаги китоб дўконига киришди. Қарашса, пештахтада Абдулла Қодирининг «Уткан кунлар» ва «Меҳробдан қаён» романларининг 1992 йилда чиққан, ягона китоб ҳолидаги нашри бор экан. Ваҳоб Раҳмонов «ўзим масъул муҳаррирлик қилган китоб» деб нақ ўнтасини сотиб олди. Ҳисоб-китоб қили-

шаётганда Қозоқбой Йўлдошев сотувчи қизга ҳазиллашиб:

— Синглим, бу кишини танидингизми? — деб сўради.

— Йўқ, танимадим, — жавоб берди қиз.

— Яхшилаб қаранг, наҳотки танимаётган бўлсангиз! Ахир бу киши мана шу китобни ёзган машҳур ёзувчи-ку...

— Э-ҳа, ўша Абдулла Қодирий сизмисиз? Китобингизни яхши олишаяп-

ти-ю, фақат нархи қимматроқ-да. Энди арзон-арзон китоблар ёзинг, хўпми, — деди қиз ҳозир-жавоблик билан...

«Ўз ҳазилимдан ўзим уялиб кетдим, — дейди шу воқеани ҳикоя қилиб бераркан Қозоқбой Йўлдошев. — Баъзи бир китоб савдоси билан шуғулланганларнинг савияси шу даражада бўлар деб сира ўйламагандим».

Даврон БЕК



ЭҲМ ПОЭМА ЁЗАЯПТИ

Тарих гилдираги бетўтов айлана борар экан, уни белгилловчи тараққиёт мезони ҳам олдинга қараб силжийди. Фан-техника асрига назар ташлайдиган бўлсак; ҳар соҳада янги-янги кашфиётлар, тадқиқотлар кўзга ташланади. Жумладан, инсон тафаккурининг меваси бўлган «ақлли машиналар» (компьютерлар) ҳам турмуш тақозоси ва эҳтиёж боис ҳаётимизга кириб келаяпти. Бу машиналарнинг яратётган мўъжизавий ихтиролари инсоният учун илм-фан эшигини янада кенг очиб, бу борада имкониятларнинг чекланмаганлигини исботляпти. Келинг, азиз муштарий бу ақлли машиналарнинг оламга, таърихига бир сафар айлайлик.

Компьютерларнинг биринчи ихтирочиси, назарийчиси сифатида инглиз олими Чарлз Беббиж номи тилга олинади. Шунингдек француз олими, физиги Блез Паскал 1642 йилда икки арифметик амали электрон ҳисоблаш машинасини яратиб билан ақлли машиналарнинг илк авлодига эсос солди. Шу даврда немис олими Вилгелм Лейбниц тўрт арифметик амали бажарадиган ҳисоблаш машинасини яратди. 1875 йилда эса Рос-

сияда яшаб турган В. Т. Однер арифмометр деб аталган машина лойиҳасини ишлаб чиқди. Америкалик Герман Холлериз деган олим 1890 йилда маълумотларни қайта ишлашни автоматлаштирувчи машина яратди. Унинг номи ҳозиргача машҳур бўлган фирма «Жи-Би-ЭМ» билан боғлиқ. Собиқ СССРда биринчи ҳисоблаш машинаси КЭХМ (кичик электрон ҳисоблаш машинаси) 1950 йилда академик Лебедев томонидан яратилди. Биринчи компьютер эса, 1962 йилда яратилиб, секундида 10 амали (1 млн та) бажаради.

Бугунги кунда бошқаришнинг навқирон фанларидан ҳисобланган кибернетика воситасида халқ ҳужайинининг кўплаб соҳалари автоматлаштирилмоқда. ЭҲМ секундида 10 млн амали, супер ЭҲМлар эса секундида 800 млн. та амали бажаришга қодир. Бизнинг асри-мизга келиб, ақлли машиналар эвристик усулда (грекча, «ҳақиқатни топиш санъати»). Яъни тахминий, мантиқий усул ва қондалар йиғиндиси.) шахмат ўйнапти, турли хил эпидемик касалликларнинг тарқалиш қонуниятини олдиндан айтиб берапти. Ҳатто Каллилопа

номли электрон шоира шеър, поэма ёзиш, расм чизиш, гиламга гул солиш каби инсоний характердаги вазифаларни бажара олган. Ҳатто олимлар тирик мавжудот хулқ-атворини намойиш этадиган моделлар ҳам яратишга ҳаракат қилишяпти.

Американнинг Корнеги-Меллон университетидида олимлар шунақанги мукамал автоматлаштирилган ўқитиш системаси яратишга муваффақ бўлганларки, бу машина-ўқитувчи дейилади. Бу машина-ўқитувчи ўқувчиларга алгоритмик тилда программа тузишни ўргатаркан.

«Оила ва жамият» таҳририяти қошидаги компьютер марказида ҳам автоматлаштирилган ўқитиш системаси жорий этилган. Марказ директори Олмос ака Қиличев билан суҳбатлашиш жараёнида, марказнинг иш юритиш тизими билан янада яқинроқ танишдим. Компьютер марказида 20 га яқин гуруҳ бўлиб, ҳар бир гуруҳда 9—10 та бола шуғулланаркан.

Бу ерга эълонлар орқали, мактаб ва муассасаларнинг тавсияси орқали ўқувчилар қабул қилинади. Кўп болали оилаларнинг фарзандлари ойига 5 минг, бошқалари

Етти кун

ШЕРОБОДЛИК НАҒАҚАЧИ

Галлашқон калхўзининг собиқ раиси Очил Зиёқулов 15 сотих томорқасига бурноғи йили пиёз эккан эди. Бозорда пиёз пул бўлган ўтган ойлardan бирида, Очил бобо ҳосиллини кўтарасига пуллади. Пиёз қирқ беш миллион сўмга «бор барака» бўлди.

ВИЛОЯТ ЭНЕРГИЯЧИЛАРИ УЧУН ТЎРТТА ХОНА

Сурхондарё электр тармоқлари корхонаси Термиз шаҳар шифохонасидан тўрт хона жой олиб, жиҳозлашга киришди. Корхона мутассадиларининг айтишларича, бу ерда ҳамма шароитлар яратилади ва фақат энергиячилар даволанади. Шароит ҳар қанча яхши бўлсаям, шифохонага ҳеч кимнинг иши тушмасин, деб ёзади Сурхондарёлик муҳбиримиз Маҳмуд АБУЛ-ҒАЙЗ.

КИБОРЛАР ДУНЕСИ

Фарғонада кўчмас мулкларнинг ким ошди савдоси бўлиб ўтди. Аукционда қатнашган пулдор жаноблар савдогаги 340 миллионлик 8 та кўчмас мулкни 1 миллиард 810 миллионга ошириб, сотиб олишди.

ВА ИККИ ОҒИЗ ТАЛАБАЛАР ҲАЁТИДАН

Жиззах шаҳар хокимлиги қарори билан Шароф Рашидов стипендияси жорий қилинди. Нафақани аълога ўқиган ва 3-босқидан ошган талабаларгина олиши мумкин. Албатта, янги ўқув йилидан бошлаб.

БЎЛҒУСИ ШИФОКОРЛАР ҒОЛИБ, ЧУНКИ...

Самарқанд Давлат Дрилфунуни ва Самарқанд Тиббиёт Олий-гоҳи талабалари ўртасида «Қойилмақом беш ўғлон» мусобақаси бўлиб ўтди. Жуда қизқарли ўтган бу мусобақада Тиббиёт Олийгоҳи раҳбарияти ҳам қатнашиб, раҳнамолик қилдилар, СамДД раҳбариятидан эса ҳеч ким ташриф буюрмади. Мусобақа Самарқанддаги театр биносидида ўтказилди.

АЁЛЛАР КЕНГАШИБ ОЛИШДИ

Ўтмишда «аёл» сўзи фақат «оила» билан ёнаён келарди. Ўтган ҳафта эса, Тошкентда «Аёл, оила ва жамият» темасида халқаро хотин-қизлар анжумани бўлиб ўтди. Уяда жаҳоннинг йиғирмадан ортиқ давлатларидан ташриф буюрган эътиборли хонимлар ўзаро фикр алмашдилар.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ

эса 10 минггача пул тўлашади. Етим ва ночор болаларга бепул ўқиш-ўрганиш имтиёзи берилади. Ҳозирда марказда 16 та бола бепул ўқияпти. Компьютер марказидаги ўқувчилар белгиланган ўқув дастурлари асосида дарс ўтишади. Физика, математика, тасвирий санъат, география, адабиёт, инглиз тили ва бошқа предметлар бўйича бешта устозлар ёрдамида сабоқ оладилар. Компьютер маркази техник воситалари билан жуда шинам жиҳозланган. Ҳар битта бола ўз компьютерига эга. Компьютерлар собиқ СССР, Булғория ва Германия фирмаларига тегишлидир.

Компьютер марказининг тартиб-қондаси, жиҳозланиши билан танишгач, Олмос акага саволлар билан мурожаат эдим.

— Олмос ака, компьютерга болаларни кешлигидан жалб этиш, уларнинг зеҳнига, қобилиятига салбий таъсир кўрсатмайдими!

— Компьютер оддий ва содда машина эмас. Демокчманки, унда ҳисоблашларни калькулятордагидек осонгина бажариб бўлмайди. Бирон амали, бирон топшириқни бажариш уун энг аввало унинг программасини тузиш керак. Программа тузиш эса ўз навбатида ўқувчидан билим, зеҳн, қобилият талаб этади. Шунингдек, компьютер марказида ўқиб, 3 тагача 3 баҳо олса

сабоқдан четлатилади. Тўрт ва беш баҳога ўқийдиган, интизоми яхши болаларга қўшимча имтиёзлар берамиз. Шу боис болалар ўқишга, ўрганишга тобора қизиқади ва ўз ишига масъулият билан ёндошади.

— Айтинг-чи, компьютер марказида ўқув йили давомида бирон бир тадбир ёки конкурслар ўтказилиб туриладими!

— Марказимизда бу йил иккинчи бор болалар иштирокида турли соҳалар бўйича конкурс ўтказдик. Бу тадбирга Республика болалар жамғармаси, «Оила ва жамият» газетаси, Тошкент вилояти болалар жамғармаси ва Американин «Алт софт» фирмаси ҳомийлик қилишди. Ғолиб чиққан болалар аjoyиб совғалар билан мукофотланди.

— Автоматлаштирилган ўқитиш системасига қандай қарайсиз!

— Программалаштирилган таълимда дарсинг бари ёки дарслиқнинг бирор қисми баъзафилк ёритиб берилди. Материал бериш тартиби аниқ кўрсатилди. Урганилаётган объектга ўқувчи кўп вақт сарфламайди. Агар ўқувчи зерика борса, компьютер ҳазил-мўтоғи-йиб билан таълим олишга ундайди ёки қизикarli савол билан жаноблар орқали олган билимини текширади.

Алжон САҒАРОВ

«Соғлом авлод учун»

«...Уларни худо шундай яратган дейишади, лекин асли-дачи!»
«Йиғлаб-йиғлаб кўникканмиз...»
«Бу болалар энди умрларининг охиригача шу аҳволда яшashi мумкин... тузалишлари гумон...»
— Болалар, айтингларчи, мана бу қандай ранг!—мен болаларга қизил рангинг кўрсатиб савол бераман.
Болалар жим...
— Қани, ким айтади...
Ердам бермоқчи бўламан. Улар яна жим. Ҳеч нарсага тушунмаётгандек, кўзларинг жавдиратиб туришаверади. Улар жавоб беришга ҳаракат қилишади, аммо бу истаклари амалга ошмайди...

болаларда ишлаш ва ўқиш қобилияти бор-у, фақат тўлиқ шаклланмаган бўлади. Улар ҳарбий хизматга қақирилмайди. «Имбецил» — бу таянчсиз яшай олмайди, дегани. Озроқ ўқиш, меҳнат қилиш, тушуниш қобилиятига эга бўлган бу болаларга ҳаётда барибир доимий кўмак, таянч керак бўлади. Улар бирон жойга ишга кириш, ўқиш ҳуқуқига эга эмаслар. «Идиот» — ташқи олам билан боғлиқ бўлмаганлар. Уларнинг сезги аъзолари иш-

ёшли ўсмирлар. Ишонгингиз келмайди. Умрбод тўшакка миҳланган бу болаларни кўриб кўнглингиз бузилади. Аммо, бу ҳақиқат. Дафтарда уларнинг ёши, исми, туғилган йили ёзилган сатрлар буларнинг исботи.
Ана Санжар — 16 ёшда. Кўриниши 2 яшар болани эслатади. Озгин, фақат суяги қолган дейсиз. Кўзлари юмқ

сабр-бардоши бўлган кишигина ишлай олиши мумкин. Эндилликда биз болаларга, болалар бизга суяниб қоладик. Бу дунёда ҳамма нарса ўтади. Фақат самимият билан қилинган яхшилиқкина абдий қолади», дейди биз билан суҳбатда шу ерда тарбиячи бўлиб ишлайдиган Замира опа.

Олигофренияни келтириб чиқарадиган икки асосий сабаб мавжуд: «эндоген» ва «экзоген» сабаблар. «Экзоген» лотинча сўз бўлиб, ички таъсир деган маънони англатади. Бу таъсир ота-онанинг спиртли ичимлик истеъмол қилиши, гиёҳвандлик билан шуғулланиши ёки яқин қариндошлар ўртасидаги ниқоҳ натижасида юзага чиқади. «Эндоген» ҳам лотинча сўздан олинган бўлиб, ташқи таъсирни ифодалайди. «Э»

БИР УМРЛИК БОЛАЛАР

Мен, Тошкент шаҳар ижтимоий таъминотига қарашли 1-Болалар интернатида бўлганимда қанчалар руҳан эзилганимни ҳеч қандай сўз билан ифодалай олмайман. У ердаги болаларнинг аҳволини кўрганимга бир ойча чамаси вақт ўтди, лекин ҳамон ўзимга келолмайман.

Салгина нарсадан тушкунликка тушиб, гўёки бахтсизликдан нолиб кўзёш қилаётганларни кўрганимизда, «худо ҳаммани бир томондан қисади» ёки «бир кам дунёда» қабиллидаги гаплар билан овутамиз. Шунда ҳам уларнинг кўнгли юпанч тўймайди. Тақдирларидан нолишни нечоғли яхши кўришади улар. Тўрт мучаси соғ, ақли бутун эканлиги ҳам бахтлигини сезишмайди... Ақли заиф болалар уйда бўлганимдан сўнг менинг ўйлаганим шу бўлди. Бу болалар ҳатто ўз бахтсизликларини ҳис қилишмайди, инчунун нолиш уларнинг ҳаёлига ҳам келмайди.

У ерда биринчи учратганим Зиля ГАБИТОВА бўлди. Интернатда директор ўринбосари бўлиб ишлар экан. Меҳрибон, куюнчак, ширинсухан бу аёлни бир кўришдаёқ ёқтириб қолдим. Зиля опа ўзининг айтувича, ўн олти йилдан буён шу ерда ишлайди.

«Бизлар бу болаларга нисбатан фақатгина шафқатли эмас, меҳрибон ва ширинсўз ҳам бўлишимиз шарт,— дей-

ди Зиля опа. Бу болаларга қаттиқ гапириб уёқда турсин, «сен ақлсизсан, сен ёмонсан, ногиронсан» дея писандсиз қараш ҳам қабиҳлик бўлурди».

Зиля опага ҳамроҳ бўлиб болалар уйини бир кўр кўздан кечирдим. Етоқ жойлар, ўйингоҳлар, сайргоҳ, болохона, ҳамма-ҳаммаси озода ва тартиблилиги ҳар қандай кишининг эътиборини тортади. Ҳатто, баъзида соппасоғ киши ҳам уйини бу қадар тоза тутишга улгуролмайди.

Бу ердаги болалар бошқа болалардан умуман фарқ қилади. Уларнинг кўпи уйинчоқни ҳам фарқлашмайди. Ана, бири ерда ётибди, бири устунга суянганича турибди, яна бири... Буларни ёзиш менга жуда қийин... Уларнинг ҳеч нарса билан иши йўқ. Бизнинг кириб борганимиз ҳам уларга таъсир қилмади. Етгани ётаверди, оёғини узатганича ўтиргани, ўтираверди... Сен савол берсанми, гапирасанми, ҳаммаси жавобсиз.

«Олигофрения» — лотинча сўздан олинган бўлиб, «ақли заиф» деган маънони беради. Олигофрениянинг 3 та тури мавжуд. Булар: «дебил», «имбецил», «идиот». Биз сўз юритаётган 1-Болалар интернатида асосан олигофрениянинг «имбецил» ва «идиот» турлари билан касалланган бемор болалар келтирилган экан.

Шифокорларнинг изоҳ беришича, «дебилга ураган



ТОШКЕНТ ШАҲАР СОЦИАЛ ТАЪМИНОТИГА ҚАРАШЛИ 1-БОЛАЛАР ИНТЕРНАТИ ТАРБИЯЧИЛАРИ

ламайди. Улар нима еётгани, нима қилаётганини, ҳатто қорни оч-ўқлигини ҳам билмайдилар.

Охирги хонага кирдик. Хонанага жойлаштирилган 15 тача кроватда болалар ётишибди. Булар олигофрениянинг учинчи гуруҳига мансуб болалар. Кўрган киши уларни 3-4 ёшда деб ўйлайди. Аслида эса... Аслида улар 11-17

Очиқ кўкраги кўтарилиб тушяпти... Тарбиячининг сўзлари қулоққа чалинади: «16 йилдан буён шу аҳвол...»

Ана Лена. Уям 12 ёшда бўлса-да, 2-3 ёшли боладай таассурот ўйғотади. Кўзлари ўрнига фақат чизик тортилган. Оёғи ярим очик. На кундузинг, на туннинг фарқига боради...

Ҳамширалар беҳабар қолган бўлсалар керак, чеккада ётган бир қизча тушунарсиз ингранади. Ҳамшира бориб қизнинг бошини силайди: «Моя красавица, моя дочка». Қизнинг ўзи тўғрисидаги мақтовлар, ширин сўзлар билан иши йўқ. Ҳеч нарсени ҳис қилмаган ҳолда инграшда давом этади.

Уларнинг ёнида ҳамшира қизлар парвона: «касалим, шириним, кўзичоғим...» Бу меҳрибончиликларга гувоҳ бўлиб, гоҳо ўзининг тўрт мучаси соғ боласидан безор бўлиб қарғаётган оналар ҳам борлиги эсимга тушади. «Бизлар биринчи бор келганимизда бу болаларни кўриб ишлашга қийналганмиз. Йиғлаб-йиғлаб кўникканмиз. Бу ерда ҳар қандай одам ҳам ишлаб кетишига ишонмайман. Юрагида керагидан ортиқ даражада меҳр-шафқат,

догоен» — бола туғилгач бош мияси шикастланиши оқибатида ёки экологиянинг таъсири туфайли келиб чиқади.

«Афсуски, бу каби болалар уйи оз эмас,— дейди Зиля опа. Тошкентда 2 та, Фарғонада 2 та, Қашқадарёда 1 та худди шу турдаги болалар интернатлари мавжуд. Бу жуда ачинарли рақам эмасми?.. Бу ерда тарбияланаётган 340 нафар боладан, атиги 100 тасига маълум нарсаларни ўргата оламиз. Қолганлари эса... ҳеч қачон ўринларидан ҳам турмайди. Улар узогий билан 25-30 йил умр кўришади. Чунки вақт ўтган сари уларнинг тан аъзолари қурийдик. Ҳеч қандай ҳаракат қилмагач, овқатни тайинли емагач улар қандай ривожлансин.»

Интернатдан қайтар эканман, у ерда кўрган манзараларим бир зум бўлса-да, ҳаёлимни тарк этмади. Болаларнинг аҳволи юрагимни аништирди. Бу болаларнинг яқин одамига айланиб қолган Зиля опа айтган бир гап эса, мудом тилимда айланаверди: «Соғлом ота-онадан соғлом бола туғилади.»

Барно СУЛТОНОВА

Фикр

Репетиторнинг маъноси «Русча-ўзбекча» луғатда шундай таърифланган: «дарсон, предметида ўқувчига уйда ёрдам берадиган ўқитувчи».

Мана, мактаб имтиҳонлари тузаб битирувчиларнинг кўпчилиги олий ўқув юртларида ўқиш учун ҳужжат топширадилар ва табиийки, кириш имтиҳонларида таянчга бўлишади. Бунда кўпчилик ёшлар тартибли (системали) ўқишни йўлга қўй олмай гоҳ у дарсликни гоҳ бу дарсликни қўлга олишади. Шу тариқа имтиҳонгача умрлари беҳуда ўтиб кетади. Бундай фурсатда ота-оналарга ўз фарзандлари учун репетитор топиш ва ун-

«РЕПЕТИТОР» КЕРАКМИ?

га фарзандларини топшириши маслаҳат берардик. Тажрибаларнинг кўрсатишича бундай йўл фарзандларингиз учун жудаям фойдалу бўлади. Биринчидан, бола мураббий назорати остида бўлади. Иккинчидан, у тартиб билан тайёргарлик кўра бошлайди. Учинчидан, репетитор билан савол-жавоб даврида боланинг ўз билимига ишончи мустаҳкамланади. Бунга алақадор ақлли одамлар тан олишиб, ҳаётда қўллашяпти.

Энг асосийси «репетитор» танлашда адашмаслик лозим бўлади. Зеро, у билимдон, талабчан ва маданиятли бўлмас экан, фарзандингизнинг ҳам муваффақияти-

га ишонч камаяди. Умуман олганда репетитор ўзига хос ўқитувчи. Уни ўзини муаллим санайдиган ҳар бир киши ҳам элаб кета олмайди. Бундан кейин одамларга қулай бўлсин учун ҳар бир мактаб қошида кучли ўқитувчилардан иборат мураббийлар маркази очилса ва бу марказдан ўқитувчи танлаш талабдор ота-она ихтиёрига қўйилса, яхши иш бўларди. Бунда мураббийга ҳам иқтисодий жиҳатдан қулай бўлади, ўқувчининг ўқишга кириши енгиллашади ва албатта, ота-онанинг кўнгли анча хотиржам бўлади.

Т. УРАЛОВА
Хатирчи тумани

«Оила ва жамият» 22(145)

Оила

Менинг ҳам тилагим ол
инбатга,
Қовуштир орзулар олами
билан.
Расуллуллоҳ демиш: киши
жаннатга
Киргайдир севиқли одами
билан.

Абдулла ОРИПОВ

Оллоҳ таоло ҳар бир инсонни албатта жуфти билан яратган. Бу ёруғ дунёда ҳамма бахтли яшашга ҳақли!!

Шу сўзларни ёздиму... узок ўйлаб қолдим. Негаки жуфтлик қайдан келади? Бахт қандай яратилади?..

Бўлимимизга эшикдан минг истиҳола билан бахт излаб келганларни кўриб, ўйга толаман. Хўш оилалик бўлиш, ўз тақдири, келажак ҳақида қайғуриб ҳаракат қилишининг, айтинг нимаси ёмон. Мен оила кўрмоқ истаганидаги ҳар бир инсонни тўғри, самимий тушунаман ва ҳурматлайман. Чунончи уларнинг ниятлари пок. Ниҳоят билан турмуш қуриб, жуфтлашиб, тинч-тотув яшаш, ҳаётни давом эттириш, насл қолдириш... Фоҳишабозлик, миннатли қорин тўғазиб, аждамчиликлардан эса Худонинг ўзи асрасин. Шунинг учун «Оила» бўлими ёрдан сўраб келганларни чин юракдан қабул қилаверади.

Фарида қаршимдаги кўрсига ўтирди-да сўзини нурмадан бошлашни билолмай, оғир хўрсинди, бирдан кўзларига ёш тўлди, анчадан кейин тугила-тутила сўз бошлади: Чин муҳаббат билан турмуш қуришни хоҳлайман. Шу пайтгача нима қилдинг, дерсиз? Э, йиллар ўтаверди. Мен эса излайвердим. Қисқаси обрўйим, бойлигим ҳамма-ҳамма нарсам етарли. Аммо оилавий бахт йўқ. Ҳеч ҳеч қоронғу тушишни истамайман. Сукунатли совуқ тунлардан безиб қолдим...

Мен бу қизнинг дардини юракдан тушундим. Бироқ, нима деб жавоб айтгайин, тасалли берайин?

Фарида билан яқиндан яна кўп суҳбатлашдик. Узининг хоҳиши билан тахририятнинг эълонлар бўлимида қайд этиб қўйдик.

Яқинда эса Фаридахондан мактуб келди: «Тўғриси, мен бахтимни топишимга ишонмагандим. Бугун бахтиёрман, шодман. Инсон ўз бахтини ўзи яратишига ва кимлардир бунга сабабчи бўлишига ишондим. Сизларга дуою саломлар йўллаб, Ф. Қ.»

«Ешим 38 да. Қулларим қоп-қора, Айбим бахтсизлигим. Ҳаммадан даҳшатлиси шу қулларда не орзу-ҳаваслар билан вояга етказган ота-онамга ҳам ортиқчалик қилиб қолдим. Билдирмасаларда улар менга қараб, мен уларга қараб эзилиб кетаман. Бундан 4—5 йил олдин йўлаб юрган йўлларим нотўғри бўлиб чиққанлигини афсусланиб кетаман. Бир неча кундирки дадам мен билан сўзлашмай қўйдилар. Ойимдан секин сўрасам, кўзларига ёш олиб: «Фалончи қизини энди бошига ёс-

зишимга ишонаман ва кеча-кундуз уни излайман.

Қаҳрамон,
Бухоро вилояти».

...Мактублар, тақдирлар... Қай бирини келтирайлик. Уларнинг кўпчилиги шаҳардан. Табиатан қишлоқ одамлари содда, бир-бирига меҳрли бўлишгани учунми 30—40 дан ошган йигит-қизлар қишлоқларда деярли йўқ бўлади. Шаҳарда эса бунинг акси. Очиғини айтганда, бир

кўнгиллари кўп нарсаларни хоҳлашдан ҳайрон қоласиз. Қизини оила қуриш истагани билдирган баъзи йигит-қизларимиз ўз тақдирига ечим излаб келганликларини унутиб, кўнгиллари кўчасида ҳаёл суриб юради. Умид билан танишув таклифини ёзганлардан камчиликлар излаб, яна имкониятим бор экан, деб излайверадилар, кутаверадилар. Вақт эса шамол каби ўтиб кетаяпти. Эрта бир кун кеч бўлганини сезмайдилар. Зеро, ҳаётда бир-бирини тушуниб, тўриллаб яшамоқ ақлли инсонлар-

нинг ишидир. Беайб парвардигор.

Ўз бахтини, юлдузини излаётган азизлар! Бизнинг бу сўзимиздан яна хафа бўлмаг. Биз сизга дўст тугинимиздан, ачинганимиздан айтаямиз. «Ёқмади» эмас ёқтиринг. Ахир сиз яхшилик уруғини тарқатувчи эркак, муъжизакор аёл зотисиз-ку! Замонлар ўзгарган сайин инсон тафаккури ҳам ривожланиб боради, янгиликларни орқага қайтариб бўлмайди. Эзгу ишлар доимо эзгу бўлиб қолади. Агар сиз бу ҳаётдан фақат илоҳий ўзгаришлар кутиб юрмасдан (адо бўлмасдан), ҳаракат қилсангиз, ниятингиз холис бўлса, биз унинг ижобат бўлишига ишонамиз.

Дилбар РАҲИМ қизи

«ЁҚМАДИ» ЭМАС, ЁҚТИРИНГ

тиқ қилиб ётади» деган чойхонадаги гапни айтиб бердилар. Сўзим оғзимда, дардим ичимда қолди. Жонимга қасд қилмоқчи бўлдим. Аммо, ота-онамнинг юзлари баттар ерга қараб қолганини йўлаб, қайтдим. Охири нажот излаб сизларга хат ёзяман. Езаялману уятдан юзларим ёниб кетаяпти. Фақат менинг охири умидим шу йўл. Мени тўғри тушунинг. Гулҳаё, Тошкент шаҳри.

Еки «биз оилада 8 фарзандимиз. Ота-онам оддий ишчи. Болаларнинг каттаси мен. Яқинда ота-онам емай ичмай неча йиллаб йиққан маблағларини сарфлаб мени йўлашди. Тўйга кетган сарфхаражат Хоразм, Бухорода қанақа бўлишини ўзингиз биласиз. Қисқаси қанчалик тиришмайлик тўйимизда камчилик бўлмади эмас, бўлди. Не-не орзу ҳаваслар билан бир ёстиққа бош қўйган жуфтим, йўлдошим деганим яъни менинг хотиним тўйнинг эртаси куниданоқ ўша арзимас камчиликларни айтавериб кўзимни очирмай қўйди. Бу билан тез кунда мени ўзидан бездирди. Оила, турмуш бу кўнгил иши экан. Агар кўнглингиз бўлмаса омонат қурилган иморатга ўхшаркан. Яшолмадим. Ажрашиб кетдик. Энди буёғи нима бўлади, ўзим ҳам ҳайронман. Фақат бир умид, ишонч мени яшашга чорлайди. Энди мен кўриб-билди, ўрганиб, қалбим гўзал аёлга ўйланиш ниятидаман. Қаврдан бўлишининг аҳамияти йўқ. Мен уни бахтли

«дом» ёки маҳаллада бир қизни нари борса қўшни маҳаллагина танийди. Оқибатда сўроқсиз, истаксиз кўп йигит-қизларимиз «туриб» қолишган.

Бир кун тошкентлик истаралигина 29 ёшли қиз кўриб келди. Суҳбатимиз бошиданоқ қизнинг ниҳоятда асабий бўлиб қолганлиги, ҳеч нарсага ишонмаслиги мени хаёлга толдирди. Турмуш қуришни ҳам маълум даври бўлиб, ундан кеч қолишлик албатта кўнгилсиз мусибатларга олиб келишини кўрдиму айтолмадим. Танишув дасхатини битаётганимда шунга ўхшаш кўплаб тақдирларни аянчи ҳолати ҳеч кўз олимдан кетмади...

Тақдир экан Дилдорахон 29 ёшида ўз жуфтини топди. Кейинчалик улардан хабар олгани борганимизда Дилдорахонни гулдай очилиб, бахтиёр яшаётганлигидан кўвониб келдик...

Бахт! Еширди, кексақир ҳеч ким ана шу бахтдан бенасіб ўтмасин, ёлғизлик азобини кўрмасин. Тошкент вилоятдан 4 болалик ёлғиз қўл она бизга мурожаат этганида эса бироз тараддуландик. Бироқ, йўли очик экан. Яшаш шароити етарли, неча йиллардан буён яқалик азобини тортаётган андижонлик отахон 4 болани ўз қарамоғига, онани никоҳига олиб, ҳозир тинч-тотув яшашаяпти.

Инсоннинг табиати қизиқ. Унга тушунмаган нарсасини тушунтириш қийин. Тахририятимизга оила қуриш истаганида келувчи айримларни



Баланд йўлнинг бошларида,
Бахт учмоқда беланча,
Кўзларингни ёшлаб юрма,
Қулавергин келин-ак.



Олимжон ҲАМЗАЕВ сурати

УМР — ОҚАР ДАРЁ

Улар дўст, аҳил ўртоқ эдилар. Дўстлик бора-бора севагига айланади. Қиз пинҳон севади, аммо юрагини очигина андиша йўл бермасди.

Бир кал суҳбатлашиб қолганда йигит: «...ишон азизим, севаги оташи билан қалбингда гулхан ёқмаган», дея тўлқинланиб гапирди.

Дугоналари орасида узини энг бахтли, муҳаббат гулшанида сарвдек ҳис қиларди. Қизлар унга ҳавас қилиб, шундай севагини ҳаёл қилишарди. Қулларнинг бирида қиз ширин ҳаёл билан кетаётди, хиёбонда бўлаётган суҳбат қулоғига чалинди:

«...қалбингда гулхан ёқмаган», майин жилмайиб билан суҳбатдошларига кўз қирини ташлади. Қарадио кўз унги қоронғилашиб кетди. Қай кўз билан кўрсинки, у ардоқлиган, севаган йигит бошқа бир қизнинг сочларини силар, тўлқинланиб гапирарди.

Қизнинг дили вайрон бўлди. Севгидай буюк эҳтиросни оёқ ости қилиб, қизларнинг муҳаббат ҳақидаги оппоқ орзуларини ўғирлаган йигитлар борлигига лаънатлар айтди. Йиллар ўтиб қиз турмуш қурди, фарзандли бўлди. Оиласида, ишида обрў-эътибор топди. Хўжайинининг

меҳрибонлиги, жонкуярлиги оиласига бўлган меҳрини янада орттирар, узини бахтли аёл санашга ҳақли сезарди.

Йигит ҳам уйланди. Фарзандли бўлди. Аммо оилада тотувлик, меҳр йўқ. Ҳаммасига йигитнинг кўнимсизлиги сабаб бўлди. Балки пок севагини қадрлай олмагани йигитини шу аҳволга солгандир. На-чора, умр — оқар дарё. Дарёнинг тўлқинларига бардош берган кишигина тотли турмуш эгаси бўла олади. Фақат бугунини ўйлаган киши эса армон билан қолиши табиий. Наргис ҚУРБОНБОЙ қизи

Мутахассис маслаҳати

ПАНДЕЙ ХОНИМ ТАВСИЯ ЭТАДИ

Хинд бадий фильмларидаги актрисаларнинг шахло кўзларини кўриб, ҳавас қилмаган ўзбек кизи топилмаса керак.

Хинд актрисалари, умуман аёлларининг кўзлари нега чиройли?

Шу савол билан Деҳлидаги «Наргиз» гўзаллик салонининг етакчи маслаҳатчиси Вижай Кумари Пандей хонимга мурожаат қилганимда, хоним кулиб, шундай дейди:

— Таърифингиз учун миннатдорман. Лекин сиз хато қилдингиз. Нафақат хинд балки ўзбек аёлларининг кўзлари ҳам бениҳоя гўзал. Юртингида бўлмаганман, лекин ўзбек қиз-жувонлари билан учрашганман. Биласизми бир кўшиқ бор, сузалари шундай:

**Қорани қора деб айбламамг зинҳор
Қоралингмг ҳеч ким қилолмас инкор
Лекин сурма сурилмаган кўзни
Қора кўз демангиз зинҳор...**

Сўнг хоним «нимани тушундингиз?» дегандай менга матъоли қаради.

— Агар мен тўғри тушунган бўлсам, сиз кўзни эъвозлаш, унинг парварishi ҳақида сўз юритмоқчиға ўхшайсиз, шундайми?

— Шундай. Эътибор берган бўлсангиз, Хиндистонда сурма кўп ишлатилади. Чақалоқлардан тортиб қаришларгача сурмадан фойдаланадилар. Хиндистонда сурма тайёрловчи оилалар борки, бу касб сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Бъзси сурмалар тарихи 500-1000 йилга боради. Сурмалар кукуи шаклида бўлиб, кўзнинг шафқанишига, ёшлинишига, хиралашганига қарши маҳеус тайёрланади. Бундан ташқари мой шаклида ҳам бўлади, уни кажал деб атайдилар. Сурма ҳам, кажал ҳам кўз учун жуда фойдалидир. Хиндистоннинг иссиқ шаритида фақат сурма ва кажал турли кўз касалликларидан асрайди.

Ўзбекистонлик опа-сингилларимга куйидаги маслаҳатларни тавсия қиламан: Ҳар куни арталлаб ва кун давомида кўзни бир неча марта совуқ сувда ювинг. Ҳеч қачон иссиқ сувда кўзингизни ювманг. Кўзларингиз нурининг хиралашishiга сабаб бўлиши мумкин.

Имкон бўлса бироз бўлсада арталлаб яланг оёк майсаатар устида сайр қилинг.

Ҳар куни ётишдан олдин совуқ сувда кўзларни юиб, гул сувида чайинг.

Кўзаларга дам бериш учун ўз вақтида ётиб ухланг.

Кўзаларнинг чиройли бўлиши учун кўпроқ сув истеъмол қилиш керак.

Кўзалар учун «Е» ва «Д» витаминларининг аҳамияти катта. Шунингдек сут, мевалар, сабаи, айниқса памидорни кўп истеъмол қилиш керак. Имкони бўлса ҳар куни эрталабки сайрдан сўнг бир стакан сабзи шарбати ичинг.

Ҳар хил спиртли ичимликлар инсон соғлигига қанчалик зиён келтирса ундан кўпроқ кўзга зиён еткази, буни доим эсда тутинг.

Чой ва кофени камроқ ичинг. Бодрингни юпқа кесиб, ётган ҳолда кўзга суртганда кўз янада равшанлашади.

Кўз остидаги қора доғларни кетказиш учун картошка сувини, киприкларни ўсиши ва янада мулоим бўлиши учун зайтун ёғидан суртинг. Қуёндан, чанг ва ўта ёрунган кўзларингизни асранг, қуёшда кўзойнак тақини унутманг.

Кўзалар тоғанда ҳеч қачон қўл билан ишқаламаслик, қаттиқ босмаслик керак. Ўзингизни шундай пайти эркин қўйиб, кўзларингизни 5 дақиқа юиб, ором беринг.

Кўпроқ кулинг. Хурсандлик, кўтаринки рух, яхши кайфият нафақат соғлигингизни яхшилайдди, балки кўзларингизни янада равшан чарос қилади.

Хиндистонлик Пандей хоним маслаҳатлари сиз азиз муштарийлар учун фойдали бўлади деган умидман.

Аҳмаджон ҚОСИМОВ



Собит МУСАЕВ сурати

Дераза

ҲИНД ЧОЙИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Ўтган 1993 йилда Хиндистон чой етиштириш буйича катта кўрсаткичга эришди. 1993 йил давомида 555 минг тонна чой етиштирилиб, қадоқланди. Бу олдинги йилларга нисбатан 7,8 фоиз кўпдир.

Бу рақамга Ассам ва Аруначал Прадеш штатларидаги чой плантацияларини кенгайтириш ва Калкутта шаҳрида қурилган 2 та чой қадоқлаш заводлари эъзига эришилди.

КИМ КЎП ИЧАДИ?

Москва пиёнлари спиртли ичимлик ичиш буйича бирорта миллат бизнинг олдимизга тушолмайди, деб ҳисоблашар эди. Қарангки, дунёи дунда улардан беш-олти одим илгарилаб кетганлар бор экан. Олмония Соғикни сақлаш вазиригининг эътирофича, немислар бу соҳада қитъа чемпиони бўлиб қолаптилар.

Охириги ҳисоб-китобларга қараганда, ҳар бир немисга бир йилда ўртача 12 литрдан тоза спирт тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич 1950 йилдагидан уч барабар кўпдир. Немислар йил давомида 140 литр пиво, 27 литр вино ва 10 литр бошқа алкоғолли ичимликлар ичишар экан.

ДЕҲЛИ АҲОЛИСИ ҲАР ЙИЛИ 100.000 ГА КУПАЙМОҚДА

Хиндистон пойтахти — Деҳли аҳолиси 1901 йили фақат 410 минг эди. Лекин 1993 йилга келиб бу сон 10 млн. дан ошиб кетди. Яъни ўтган 93 йил ичида Деҳли аҳолиси ҳар йили 100 мингга кўпайган. 1991 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш натижасига кўра, Деҳлида 9.420, 648 аҳоли бўлиб, шулардан 5.155.512 эркак ва 4.265.136 аёл эди. Аниқроғи эркакларга нисбатан тахминан 895 минг аёл кам эди. Кейинги аҳолини рўйхатга олиш натижаси қандай бўлиши ҳақида эса, бир нарса дейиш қийин.

МАТЪУОТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Ҳурматли ва азиз
Фазилиддин
СОҲИБОВ!

Сизни табарруқ 45 ёшингиз билан чин дилимиздан муборакбод этамиз. Ўз тиришқоқлигингиз орқали Самарқанд вилоятининг ҳозирги Тайлоқ тумани Саидназаров давлат хўжалигида оддий ҳисобчиликдан хўжалик иқтисодчиси ва айни кунда хўжалик бош ҳисобчиси даражасига етишингизнинг ва ҳормай меҳнат қилаётганингизни гувоҳимиз. Оилавий ҳаётда ҳам ҳар бир фарзандингизнинг ўқиб ўлғайиши учун доим қайғуриб юрасиз.

Бу ишларда ҳеч толмаслигингизни ва шу ёшдан яна иккитасини беришини ҳудодан сўраб дўстларингиз, укаларингиз ва фарзандларингиз номидан СУННАТ.



Дўстим
ИЛҲОМЖОН!

Мен сени 21 баҳориг билан чин қалюдан табриклайман. Сенга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайман. Умринг гулга кону севгига макон бўлсин.

Дунё лаззатларин тўпласак бутун
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.
Дунёда бўлса ҳам неки аччик,
Аччикроқки доно дўстандай айрилик.

Дўстинг Абдувоҳид
РАЗЗОҚ ўғли

Азиз укажоним Зокиржон НАРСАЕВ!

Сизни 16 шон таваллуд айёмингиз билан самимий табриклаймиз!

Сизга дунёдаги энг покиза, энг ширин тилакларни тилаймиз. Ҳар ишда Оллоҳ ўзи ёр бўлсин, пирлар мадакор бўлсин.

Камоли эҳтиром ила опаларингиз ЛАТОФАТ, СОҲИБА, ҲАЙИТГУЛ, акангиз УНГБОЙ НАМАЗОВЛАР.

Термиш шаҳри

Ширин қизалогим НОЗИГУЛИМ! Сени 1 ёшинг билан қўтлайман. Сенга узоқ умр, доимий қувонч, бахтли бўлишингни тилайман. Оллоҳдан тилагим бахтимизга мудом омон бўл.

Сени қўчиб ДАДАЖОНИНГ, Андижон вилояти

Дадаимиз Абдурашид МУХИТДИНОВНИ 70 йиллик юбилейи билан қўтлаймиз. Уларга узоқ умр, соғлиқ, бахт тилаб,

ФАРЗАНДЛАРИ

Бухоро вилояти шофиркон туманидаги «Мафтуна» хусусий кичик корхонаси раҳбари Жавлон ШАРИПОВНИ яқинда бўлиб ўтадиган туғилган кунини ПАДАРИ, ВОЛИДАСИ, АКА-УКАЛАРИ, ОИЛА-АЪЗОЛАРИ муборакбод этадилар. Уларга узун умр, танисхатлик, бахт-иқбол, ишларига раванқ тилайдилар.

Меҳрибон буважонимиз Шорахмат АХМАД ўғли! Таваллуд кунингиз муборак бўлсин. Буважонимиз Зулхайро билан Сизнинг нуруний нигоҳларингиздан ёғилиб турган нурдан хонадонимиз ҳар доим ёришиб турсин. Бахтимизга соғ ва омон бўлингизлар.

НЕВАРАЛАРИНГИЗ.

Ҳамкасабамиз Мукамбар Аҳмедова! Сизни туғилган кунингиз билан қўтлаймиз! Ҳар бир ишингизга ривож, омад тилаймиз. Соғ бўлинг! Тошкент Нефт ва газ институти, ҳудудий тадқиқот лабораторияси ходимлари.

Оила

59 ЕШДА

Қашқадарё вилоятинда яшайман, касбим — шофёр, оилмадан ажрашганман, мўмин-мусулмонман, рўзгор ишларини уддалайман, Қашқадарёда яшайдиган ёши 35 дан юқори уй-жойи бор, пок виждонли, намозхон, пазанда, чевар, ширин сўз аёлга уйланмоқчиман. «Оила-320».

ИЗОҲ: Сизнинг имкониятингизни чамалаб кўриб, эълон баҳосини бошқа рўзномаларга қараганда эрзон нархда белгиладик. 1 босма белгининг баҳоси — 20 сўм. Табрик сурати билан берилса, битта суратнинг баҳоси — 5000 сўм, танишув эълони — 2000 сўм.

10 кун муҳлат ичида бериладиган шошлиқ эълонлар икки барабар қимматлашади.

«Оила ва жамият» 22(145)

Қурбон ШОДМОНОВ. 1949 йил Бухорода туғилган. 1967—72 йилларда Киев Давлат чет тиллар институтининг инглиз тили факултетини тугатган. Кандидатлик диссертациясини 1980 йилда Киевда химоя қилган. Ҳозирги пайтда ТошДУ докторанти. 1990 йил Америка Қўшма Штатларида бўлиб қайтган.

— Шу пайтгача инглизчани русча орқали ўргандик. Қачон инглиз тилини тўғридан-тўғри ўзбекча орқали ўрганамиз!

— Дарҳақиқат, собиқ шўро даврида шароит шундай эдики, ҳамма манбалар рус тилида эди. Лекин айни пайтда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига аъзо бўлиб кирганлигига тил нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, тилни бевосита ўрганишимиз шарт. Бунинг учун Ўзбекистонда база бор. Таълим вазирликлари томонидан чет тилларни ўргатиш бўйича янги концепциялар ишлаб чиқилди. Конкрет равишда шунини айтишим мум-

да кўп. Шулардан бири сўзлашгичлардир. Давлатимизнинг янги бир поғонага кўтарилиш даврида бундай сўзлашгичлар ёки шунга ўхшаш қўлланмалар ниҳоятда кўпаяди ва бу табиий бир ҳол. Ҳозирча бир-иккита яхши сўзлашгичлар чиқди. Лекин тилни чуқур ўрганиш учун булар камлик қилади. Энди хусусан менинг сўзлашгичим ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало яхши баҳойингиз учун раҳмат, лекин 22 млн. аҳоли мавжуд мамлакат учун 10000 нусхада чиққан бу сўзлашгич нима бўлади? Яхшими, ёмонми ўзида зарур ахборот сақлаган бу манбаларнинг ҳалққа нафи тегади деб ўйлайман. Одатда сўзлашгичларда иборалардан кейин, унинг таржимаси бериллади. Лекин урғулар кўрсатилмайди. Энди бир жиҳатга эътибор беринг. Мактабни ўрта баҳо билан тугатган ўқувчи бунини тушунмаслиги мумкин. Инглиз тили ҳақиқатдан ҳам мураккаб тил, бу тилни бутун дунё ўзаро муомалада қўлайди. Шундай экан бу тилда хато гапиришнинг ўзи катта хато. Уч нарсага эътибор бериш керак. Биринчиси, ибора ва сўз маъносига, иккинчи-



Собит МУСАЕВ сурати

ИНГЛИЗ ТИЛИНИ БИР ОЙДА ЎРГАНСА БЎЛАДИ

кинки, янги лотинлаштирилган алифбога ўтиш масаласида қўлланмаларимиз янги концепцияга асосланиб яратилди. Бу жуда ақл билан қўйилган қадам бўлади, лекин бунинг натижаси дарров кўринади деган гап ҳам эмас.

— Кўпчилик инглизчани русча орқали ўрганган маъқул дейишди. Фикрингиз!

— Мен бу фикрга қўшилмайман. Тил бойлиги, камбағаллиги ёки тарих нуқтаи назаридан қанчалик узоқ ёки яқин бўлмасин тилни ўрганиш усули ҳаммаси бир хил. Ҳаммаси одамзоднинг хоҳиши, интилишига боғлиқ. Тилнинг осон қийини йўқ.

— Ўзбек тилида мукамал дарсликлар бор деб ўйлайсизми!

— Афсус, айни пайтда йўқ. Борлариям русча орқали кириб келган бўлиб, уларнинг, яъни Россиянинг табиий шароитига мослаб тузилган. Лекин, ҳозир олимларимизнинг катта гуруҳи янги усулда ўргатадиган дарслик устида иш олиб бораётилар. Яқин ойларда, кўпи билан ярим йилда бу китоблар рўёбга чиқиб, одамларимиз ундан баҳраманд бўладилар.

— Кенг ва чуқур тушунтириб изоҳ берилган катта ҳажмдаги «инглизча — ўзбекча лугат» қачон чиқар экан!

— Жуда мушкул савол. Катта комуснома лугатларининг базаси тайёр. Бир неча гуруҳлар ишлашяпти. Лекин очингани айтиш керакки, буларнинг ҳаммаси иқтисод билан боғлиқ. Иқтисодий аҳвол эса, унчалик яхшимас. Бу ишларнинг яқин йилларда битиб кетиши қийинроқ бўлса керак.

— Инглизчани ўрганиш орқалигина дунёга чиқиш мумкин. Шу ўринда бу нарса давлат сиёсати ҳам тегишли. Балки бундай пайтда давлатдан ёрдам сўраш жоиздир.

— Албатта, давлатнинг ёрдамсиз иш тезлашмайди. Лекин, давлат ёрдам бериши керак деб туриб олсак ҳам нотўғри бўлар. Давлатга ёрдам бериш ҳам керак. Бундай лугатсиз эса тил соҳасида тараққиётга эришиш мушкул.

— Ҳозир сўзлашгичларнинг сони кўпайиб борапти. Жумладан, ўзингиз муаллифлигингизда 4 минг сўздан иборат «Инглизча-ўзбекча-русча» сўзлашгич чиқди. Унда ҳамма гаплар доимий ишлатиладиган сўзларимиз экан. Тилнинг оддий ва норасмиюлиги билан бошқалардан фарқ қилади. Буларнинг тил ўрганишдаги фойдаси ҳақида гапирсангиз.

— Тилни ўрганиш йўллари ниҳоят-

си айтилиш оҳанги интонациясига эътибор берилиши керак. Ва унчичисинг зарури транслитерация деймиз, яъни иборанинг ўзбек тилида гапирадиганлар учун ўзбекча шакли, туркчада туркча шакли берилиши керак. Агар транслитерация берилмаса хатоликка йўл қўйилади. Сиз тилни ўрганишнинг юқори поғонасига кўтарилингизда бу транслитерация орқали олган асосингиз асқотиши табиий. Яқинда чиқадиган сўзлашгичимиз ана шундай ҳислатлардан ҳоли эмас.

— Кечирасиз, у қайси тилларда чиқади ва қанча сўзни ўзичига олган!

— Ўзбекча, инглизча, русча, туркча — ҳозирча тўрттаси тайёр, бешинчиси форсча бўлиши мўлжалланяпти. Сўз сонига келсак, бу лугат эмас, бунда ҳаёт учун энг зарур 40 дан ортиқ мавзулар бор. Масалан, аэропортда, касса, магазинда, театрларда, қисқаси кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган мавзулар бўйича. Бугунги кундаги энг кўп мавзули сўзлашгич бўлади, транслитерациясини ҳам ҳисобга олсак, МДХ давлатларидаги сўхбатлашгичлардан аълороқ бўлади.

— Неча сўзни ёдлаб инглизчада сўзлаш мумкин!

— Кизиқ савол. Чунки аниқ бир сонни айтиш қийин. Лекин бир неча йиллар аввал психолог методистлар «лексик минимум» деган иборани қўллашган. Урта мактабни битириш мобайнида 2,500—3000 сўз кифоя дейишди. Фикримча кундалик ҳаётда ишлатиладиган 4000 сўз сўзлашув учун етарли деб ўйлайман. Бунда ибораларни ҳам билишингиз ва албатта устозингиз бўлиши керак.

— Тилни ўрганиш учун чет элда бўлиш шарт дейишди.

— Тилни ўрганиш яхши. Лекин, у тилни она маконда ўргансангиз доим нимадир камдек туюлаверади. Бу ҳам бўлса сўзларни ўз юртида ишлатмаганлигингиз боис туғилган ишончсизлик. Шунинг учун инглиз тилида гаплашадиган чет давлатларда бўлиш тавсия қилинади.

— Чет тилни қачондан ўрганиш керак деб ўйлайсиз? Мактабдаги дастур сизни қониқтирадими!

— Ҳаёт тажрибаси шунини кўрсатяптики, тилни боғча ёшидан эмас, 1,5—2 ёшдан ўргатиш керак. Ундан кейин қийин кечади, чунки кечиккан бўлсангиз, нега? Боланинг мияси оқ қозғ мисоли бўлади. Шунга қийс қилиб,

айтиш мумкинки, боланинг мияси ахборот олишга ташна бўлади. Бошқа ҳаётий нарсаларни ўргатиш билан бир қаторда, тилни жуда ям ёшлиқдан ўргатиш мумкин. Бу тасдиқланган нарса. Боғча даврида ям ўқишнинг яхши ташкил қилиб ўргатилса самара бериши табиий.

Энди мактабга келсак, фикримча агар ўқиш ҳафтасида 6 кун бўлса, шунинг 4 кунда 8 ёки 10 соат инглиз тили дарси бўлиши керак. Ҳозир ҳафтада ўтиладиган 2 соатнинг самараси билинмайди.

— Тилни тез фурсатда ўрганиш тартиби қандай? Ҳозир кўпчилик тўрт томонга ўзини ўрганиш тилини ўрганиш пайида юришбди. Уларга қандай маслаҳатлар берадингиз!

— Бу жуда жиддий масала. Тилни ўрганадиган деб тўрт томонга ўзини уриш ҳам яхши ҳислат. Тезлаштирилган курслар ҳам жуда яхши. Лекин, бир жиҳатга эътибор бериш керак. Агар сизда ҳеч бўлмаганда ўрта мактаб билими бўлмас экан, ҳеч қайси усул сизга ёрдам бера олмайди. Тезлаштирилган ўқитиш усулининг яна бир жиҳати бор. 6 ойлик, 3 ойлик ва 1 ойлик курсларни олайлик. Ҳа, ҳатто бир ойда ҳам тилни 5—10 минут сўхбат қура олиш даражасида ўрганиш мумкин. Лекин бир ойда ўрганиш учун

ҳар кун камидан 6—8 соат инглиз тили билан шугулланиш керак бўлади. Бу жуда яхши услуб бўлиб, бунда бошқа тиллар воситачилик қилмай, бевосита инглиз тилида ўқилади, гапирилади. Бунда устоз, албатта ёнингизда бўлиши шарт. У сизга йўл-йўриқ кўрсатиб туради. Гуруҳда 2—3 киши бўлса кифоя қилади.

— Ҳозирги таъшишли шароитда 6—8 соатини ажратиш ҳаммаинг ҳам қўлидан келавермас керак.

— Қийин, лекин бир ойда тегишли соатларни 6 ойга ям чўзиш мумкин. Мана сизга олти ойлик ўқиш усули. Ҳаммасининг базаси бир.

— Ўзбекистон фуқароси қайси тилларни билиш шарт деб ўйлайсиз!

— Америкада бўлганимизда уларнинг журналисти ҳам Марказий Осиё халқларига қайси тилни билишлари зарур бўлишини сўраганимиз. Уша юртларнинг ўзаро келишилган ўрта тили ёхуд давлат тили ва инглиз тилини билишлари керак, деб жавоб берганимиз. Ҳозир ҳам шу фикрдаман.

— Ўзингиз қайси тилларда гаплашасиз!

— Инглиз, форс-тожик ва рус тилларида она тилимиздагидай гаплашаман.

— Ўзингиз 4 тилда гаплашаркансиз, нега халқимиз учун икки тил кифоя депяйсиз!

— Мен атай рус тили ҳақида гапирмадим. Хоҳлаймизми, йўқми замон бу тилни биздан йироқлаштиради. Форс, араб тилларини эса болаларимиз яхши билишган. Бу тилларни ўрганиш ҳам вақти келиб кун тартибига қўйилади. Лекин, дунёга чиқиш учун асосий восита ҳозир инглиз тили экан, демак мақсад аниқ.

Ҳалим САЙИД сўхбатлашди

Мустақилликка эришдик. Энди хоржий давлатлар билан турли алоқаларни ўрнатish ёш давлатимиз учун сув ва ҳаводек зарур бўлиб қолди. Бу эса ўз навбатида чет тилларни яхшилаб ўзлаштиришни талаб этади. Биз ўқитувчилар эса, ўқувчиларнинг хоржий тиллардан мукамал билим эгаллашлари учун дарсларни янада образлироқ ўтишимиз керак.

Ҳозир кўпчилик чет тилларни пухта эгаллашга қизиқиб қолди. Хатто, баъзи ота-оналар жажжи болаларини пуллик тил ўрганиш курсларига, тажрибали мураббийларга топширмақда. Бу қувонарли ҳол албатта. Чунки давлатимизнинг келажаги, тақдирини ўш ақлдор билан боғлиқ. Хоржийликларга Ўзбекистоннинг маданиятини, иқтисодини, қолаверса юзини кўрсатувчи шу ёшлар бўлади.

Аmmo масаланинг иккинчи муҳим томони ҳам бор. Демокриманики, ўз тилини, ота-нарсани қадриятларини яхшилаб ўрганмай, бошқа тил, бошқа миллат оламига киришининг оқибати яхши бўлмайди. Масалан, Японияда ўз миллий тилини, қадриятларини, маънавият дунёсини яхшилаб билмай туриб, бошқа миллат маънавиятини, тилини ўрганишмас экан. Яъни энг аввало ўз миллатига, ўз тилига эътиқод қўйиш шарт. Ўзбек бўла туриб, ўз тилида тузук гаплаша олмайдиганлар озмунча дейсизми...

Мен ўз тажрибаларимга суянган ҳолда чет тилини ўргатишнинг ўзига хос усулини таклиф қиламан. Дарс энг аввало Ўзбекистон маданияти билан бошланади. Сўнгра болаларга чет тилида «Ўзбекистон — менинг ватаним», «Тошкент — Ўзбекистоннинг пойтахти» мавзусида, юртимизнинг байроғи, харитаси, тугреси ҳақида матилар ўталади. Шунингдек, халқимиз тарихи, маданияти, урф одатлари ҳақида ўқувчиларга хоржий тилида сабоқ берилади. Ўқувчилар чет тилини ўзлаштириш давомида, ўз она замини ҳақида ҳам кенг тасаввурга эга бўла боради. Тил ўрганиши бўлган қизиқчи ҳам сўнмайди. Чет тилдан сабоқ бераётган ҳаммасларим болаларнинг руҳиятига шу каби йўллар орқали таъсир этишса фойдалироқ бўларди, деб ўйлайман.

Хат
ЎЗ ТИЛИМИЗНИ ЭСА
УНУТМАЙЛИК

Мана дунё футбол ишқибозлари интиқ бўлиб кутган жаҳон чемпионати бошланадиган пайт ҳам етиб келди. Маълумки бу галги биринчилик Америка Қўшма Штатлари ўйингоҳларида бўлиб ўтади. «Оила ва жамият» ўзбекистонлик барча футбол ишқибозларини ушбу улуғ байрам муносабати билан чин дилдан кутлайди ва ўз ўқувчилари эътиборига жаҳон чемпионатларига оид турли хабар ва маълумотларни ҳавола этади.

Навбатдаги 15-биринчиликда дунёнинг жами 24 мамлакати иштирок этади улар:

«А»	«В»	«С»
АҚШ Швеция Руминия Колумбия	Бразилия Россия Камерун Швеция	Германия Боливия Испания Жанубий Корея
«Д»	«Е»	«Ф»
Аргентина Греция Нигерия Болгария	Италия Ирландия Норвегия Мексика	Белгия Марокко Голландия Саудия Арабистони

Футбол бўйича жаҳон чемпионатлари 1994 йилга қадар 14 бор ўтказилган. Энг биринчиси 1930 йил Уругвай ўйингоҳларида бўлиб ўтган. Масаланинг ҳизми шуки олтин медални қўлга киритган мамлакатларнинг 7 таси Европа қитъасидан бўлса, қолган 7 таси Латин Америкаси қитъасидандир.

Испанияда қайд этилган. Бунда Венгрия терма командаси Салвадор футболчиларини 10:1 ҳисоби билан маглубиятга учратганди.

Куба, Тунис, КХДР, Дания, ГДР, Туркия, Гондурас, Исроил, Кувайт, Австралия, Эрон, Норвегия, Ироқ, Канада, Янги Зеландия. Гаити катти мамлакатлар жаҳон чемпионатларида фақат бир мартадан қатнашган.

Боливия терма командаси икки бор жаҳон биринчилиги мусобақаларида қатнашиб ҳаммаси бўлиб 3

ўйин ўтказган ва ҳаммасида маглубиятга учраган. Мана шу 3 учрашувда рақиблари дарвозасига бир марта ҳам тўп кирита олмасдан ўз дарвозасига 16 тўп қўйиб юборишган.

1950 йилда ўтказилган IV-Жаҳон чемпионатида Шотландия, Туркия, Хиндистон терма командалари ўз хоҳишига кўра қатнашишдан бош тортишди.

1990 йилги чемпионатда Жанубий Корея терма командаси руйхатида бир кўзи қўрмайдиган футболчи ҳам қатнашган эди.

15-ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ КИМ!

«Оила ва жамият» ўз ўқувчилари учун АҚШда ўтказиладиган биринчиликда олтин, кумуш ва бронза (ўринлар) медалларини кимлар қўлга киритиши мумкинлиги ҳақида тахминий башорат ўтказди. Унинг натижаси эса қуйидагича:

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА БИЗНИНГ ПЯТНИЦКИЙ

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТЛАРИДА ЭНГ КЎП ҚАТНАШГАН МАМЛАКАТЛАР

1. Бразилия. 14 марта
2. Италия. 12 марта
3. ГФР. 10 марта
4. Аргентина. 10 марта
5. Франция. 10 марта
6. Венгрия. 10 марта
7. Югославия. 8 марта
8. Испания. 8 марта
9. Швеция. 8 марта
10. Чехословакия. 8 марта
11. Белгия. 8 марта

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, ЖАНОБ АМЕРИКА

АҚШ футбол федерацияси 1913 йилда ташкил қилинган. Худди шу йилдан бошлаб ФИФА (Футбол Ассоциацияси)нинг аъзоси. Мамлакатда 1990 йилги маълумотлар бўйича 1250 футбол командаси бўлиб, уларда 4000 профессионал, 800000 ҳаваскорлар ва 1000000 ўсмир ҳамда ёш футболчилар жамланган.

Мамлакатдаги энг катта ўйингоҳлардан бири «Роуз Баул» бўлиб у 102000 кишига мўлжалланган. «Стенфорд»га 90000 «Ист-резерфорд» га 77000, «Харуорд»га 75000 муҳлис жойлашади.

АҚШ чемпионати 1934 йилдан бошлаб ўтказиб келинмоқда. Биринчи чемпион — «Керни Ирш» командасидир. «Америкенс» (Филадельфия), «Украиния Нейшнлз» (Лос-Анжелес), «Нейшнлз» (Филадельфия), «Космос» (Нью-Йорк), «Стингс» (Чикаго) клублари мамлакатнинг энг кучли ва ишонган командалари ҳисобланади.

Қўшма Штатларнинг терма командаси шу бугунга қадар 3 марта жаҳон чемпионатларида қатнашган, (1930, 1934, 1950 йиллар). Ҳаммаси бўлиб 7 учрашув ўтказган. Унинг 3 тасида галаба қилган бўлса, 4 учрашувда маглубиятга учраган. Рақиблари дарвозасига 12 тўп киритган ҳолда ўз дарвозасига 21 тўп ўтказиб юборган. Жами 6 очкони қўлга киритган.

Дунёнинг Пеле, Беккенбауэр, Жруифф, Лято, Дейна, Киналя сингари таниқли футболчилари ҳам бир қанча вақт мобайнида АҚШ клубларида тўп суришган.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ

- | | |
|-------------------|-------------------|
| 1. 1930. Уругвай | 9. 1970. Бразилия |
| 2. 1934. Италия | 10. 1974. ГФР |
| 3. 1938. Италия | 11. 1978. |
| 4. 1950. Уругвай | Аргентина |
| 5. 1954. ГФР | 12. 1982. Италия |
| 6. 1958. Бразилия | 13. 1986. |
| 7. 1962. Бразилия | Аргентина |
| 8. 1966. Англия | 14. 1990. ГФР |


ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА 2 УРИНИ ОЛГАН МАМЛАКАТЛАР

- | | |
|--------------------|-----------------|
| 1. 1930. Аргентина | 8. 1966. ГФР |
| 2. 1934. | 9. 1970. Италия |
| Чехословакия | 10. 1974. |
| 3. 1938. Венгрия | Голландия |
| 4. 1950. Бразилия | 11. 1978. |
| 5. 1954. Венгрия | Голландия |
| 6. 1958. Швеция | 12. 1982. ГФР |
| 7. 1962. | 13. 1986. ГФР |
| Чехословакия | 14. 1990. |
| | Аргентина |

ҚИЗИҚАРЛИ ВОҚЕАЛАР

1994 йилга қадар бўлиб ўтган чемпионатларда дарвозаларга ҳаммаси бўлиб 463 учрашувда 1511 тўп киритилган; Энг йирик ҳисоб эса 1982 йил.

Башоратчининг исми ва фамилияси	касби	1-ўрин	2-ўрин	3-ўрин
Биродар Абдураимов	тренер	Германия	Бразилия	Аргентина
Едгор Саъдиев	актёр	Италия	Германия	АҚШ
Сафар Остонов	журналист	Италия	Бразилия	Аргентина
Ботир Мамедов	таэквандо	Аргентина	Германия	Бразилия
Комил Эрмухаммад	журналист	Бразилия	Германия	Италия
Абдуҳошим Ирисбоев	журналист	Бразилия	Голландия	Аргентина
Артур Григорян	бокс	Бразилия	Голландия	Аргентина
Эркин Комилов	актёр	футболга	қизиқишим йўқ	
Ойбек Юнусов	журналист	Германия	Голландия	Бразилия
Аброр Имомхўжаев	журналист	Бразилия	Голландия	Германия
Ҳайдар Носиров	журналист	Бразилия	Германия	Италия
Халим Саййид	журналист	Германия	Бразилия	Голландия
Абдусамад Раҳимов	журналист	Бразилия	Голландия	Италия
Ботир Эрназар	журналист	Германия	Бразилия	Италия
Абсалом Усанов	ҳисобчи	Германия	Бразилия	Италия
Давлат Турдиалиев	журналист	Европадан бирорта команда	чемпион бўлади	
Баҳром Мирзақобилов	журналист	Бразилия	Германия	Аргентина
Расул Жумаев	журналист	Бразилия	Голландия	Германия
Нормурод Мусомов	журналист	Аргентина	Германия	Голландия
Олим Қўзйбоев	талаба	Аргентина	Бразилия	Германия
Ҳайдар Акбар	журналист	Италия	Бразилия	Германия



«ФУТБОЛ» — ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Азиз муштарий! Қуйидаги бошқотирмани ечишда жаҳон футбол юлдузларининг фамилияси асосий калит ҳисобланади. Жавобларни бошқотирмадаги рақамли хонадан бошлаб энига томон эзинг. Агарда шартларнинг ҳаммасини тўғри бажарсангиз, футбол бўйича жаҳон чемпионатининг дастлабки ташаббускори, ФИФА биринчи президентининг исми-фамилияси маълум бўлади.

1. Италия футболчиси, қуръа ташлаш бўйича 1993 йилнинг энг моҳир ўйинчиси деб тан олинган ҳужумчи.
2. Фарбий Олмонни терма жамоасида энг кўп тўп сурган футболчилардан бири.
3. «Футбол қироли» номи билан машҳур бўлган моҳир тўпурар.
4. Инглиз терма жамоасининг собиқ таниқли ўйинчиси.
5. Дунёдаги энг моҳир ҳужумчи, «Олтин тўп» соvrинини қўлга киритганлардан бири.
6. Ўзбек футболчиси.
7. Голландиялик таниқли футболчи.
8. Таниқли француз футболчиси.

Саҳифани Нормурод МУСОМОВ, Дармон ИБРОҲИМОВ, Фозилжон ОРИПОВлар таёёрлади

Аваллига Маматғози: «агар ўқишга киролмасам дунёдан тоқ ўтаман» деб юрди. Ўқишга кирдию думини ушлатмай кетди. Сочини қарғанинг думидай хўрпайтириб ойда-йилда бир келади. Уйдагилари тўйдан гап очди дегунча, кетаманга тушади. Бир келганида қариндош-уруғлар уни «қамал» қилишди:

— Ҳой бола, сен тенгиларни бола-сиям хўкиздай бўп қолди! — деди акаси ўдағайлаб. — Қачонгача ёстиқ кучоқлаб...

— Онанга раҳминг келадими, сен болани? Бир уриб бошингни иккига қилиб қўйми? — деди опаси ўқлов ўқталиб.

ҚУРОЛЛАНГАН СОВЧИЛАР

• ҲАЖВИЯ



ИЗ.

— Қўймадинлар-қўймадинларда, — деди Маматғози тўнглиги тутиб, — «хўп» десам, қутуламанми, сизлардан?

Ойпошша хола ўғлининг гапини эшитиб кўнгли кўтарилди. — Вой, ўргилай писмиғимдан! Айтудим-ку сенларга, буники ичида деб. Қани, болам, кўз остинга олиб қўйганинг борми еки ўзимиз...

— Бор-у... — чайналди Маматғози. — Сал...

— Нима сал? — деди тоғаси. — «Ундайроқми»?

— Йўқ, сал...

— «Бундайроқми»?

— Ҳа, йў, сал...

— Хў, латта! — деди акаси хўздай буйинни чўзиб. — Нима сал? Узокроқданми?

— Йўқ, сал яқинроқдан — Кекиртакдан...

— Бу келин бўлмишни оти нима экан? — деди Ойпошша хола ўғлининг елкасини силаб. — Кимнинг қизи?

— Оти Қулпинисо, — деди Маматғози оззининг таноби қочиб. — Отасини билмайман.

— Демак, иш пишди, — деди то-

ғаси қўлларини бир-бирига ишқаб, — эртадан совчиларни юбораверамиз...

Эртаси кунини совчилар Қулпинисо-ларникига «юриш» бошлашди. Амма-холалар галма-галидан ўн-ўн беш мартадан бориб келишди, лекин на-тижа — нол. Охириги сафар совчилар эркак қуданинг: «Бир-икки келдинлар, яхшилик билан тушунтирдик, йўқ десак ҳам ҳадеб келаверасизларми?» деган нохуш гапини олиб келганларидан сўнг, Маматғозининг отаси елкасига ов милтигини олиб, индамай уйдан чиқиб кетди. Кеч-курун оғзи қулоғида бўлиб қайтди.

— Узим бормасам, бу савдо ҳали-вери пишмасди, — деди Маматғози-

нинг отаси шоп мўйловини силаб. — Уйига тўғри кириб бордим. Елкадаги милтиқни кўриб, эркак қуда хур-матини жойига қўйди. Мен ҳам аввалига гапни милтиқдан бошладим: «Аломат милтиқ бу, беш юз метрдан бехато уради», дедим милтиқни ўқлай туриб. Қуда бечора: «Ҳай-ҳай, нима қиялсиз, отилиб кетади», деди. Мен эса: «Қўрқманг, отилиб кетса, бу ёқда ўқ сероб», дедим. Кейин худди нишонга олаёт-гандек кўзимни қисиб, мударога ўтди: «Бу оғайни, биззи совчиларни қайтариб юборганмишсан?» дедим. Бечора кўрққанидан: «Унта қизим бўлгандаям, сизнинг ўғлингизга берман», деб қолди... Эргагаёқ, тугунни каттароқ қилиб бораверинглар, яхшилаб кутиб олишади...

Эртаси кунини ҳам совчилар яна қуруқ қайтишди. — Яна нима гап? — деди Маматғозининг отаси чопонининг ёнгини қоқиб, — Ахир, кеча ишни пишитиб келган эдим-ку!

— Ҳа, «яхшилаб» кутиб олишди, — деди Маматғозининг холаси Қумрихон бошидаги тоғорани карт устига қўяр экан. — Қизининг отаси автомат, онаси пулемёт, саксонга кирган энаси қирқма бешотар билан «кутиб» олишди. Энаси бешотарни биқинимга тираб, қўлимни кўтартириб, катта кўчага «кузатиб» қўйди... Эй, қизи бошидан ордона қолсин! У бўлмаса, бошқаси-да! Қиз қуриб қолибдимми?!

— Бас! — деди Маматғозининг отаси жаҳл отига миниб. — Энди бизга бошқаси керак эмас! Уша қизни келин қиламиз! Қаердан бўлса ҳам эртагача битта замбарак топиб, судраб бормасам, отимни бошқа қўяман! Бир кунга прокатга бўлса ҳам топан! Қани, ушанда кўрамиз, ким кимга қўл кўтарар экан!?

Мана, бир ҳафтадирки, Маматғозининг отаси замбарак қидириб, бормаган шаҳри, кирмаган бозори қолмади. Бу воқеадан хабардор бўлиб турган Маматғозининг дармиёна қўшнилари эса: «Бу савдо атом бомбасигача етиб бормасин-да, ишқилиб», деб юрак ҳовуцлаб ўтиришди. Илоҳим, қўшнларнинг ниятлари ижобат бўлсин-да...

Анвар ЭМИН

ТАМАКИНИНГ «ФОЙДАСИ»

Бозорда тамаки сотиб ўтирган киши, ўз молини мақтай бошлади:

— Тамаки чекмасиз, бу дунёга келмасиз! Бу тамакидан чеккан одамнинг уйига ҳеч қачон ўғри кирмайди, қолаверса унга кўчадаги дайди итлар ҳам ҳамла қилмайди ва ниҳоят, ҳеч қачон қаримайди!..

Бу «мақтов»ларни эшитган одамлар ҳайрон бўлишибди. Шунда одамлар ичидаги чапанироқ киши:

— Тоғда бир донишманд чол яшайди, — дебди овозини баланд қўйиб. — Яхшиси, биз ўшанинг олдига бориб, бу «мақтов»ларнинг маъзини чақтириб олайлик...

Ҳамма тоққа қараб йўл олибди.

Чол кўпчиликнинг гап-сўзларини эшитиб, шундай дебди:

— Албатта, ўша тамаки сотиб ўтирган кишининг гаплари тўғри. Нимагаки, тамаки чеккан кишининг уйига ўғри тушмайди, чунки туни билан йўталиб чиққаннинг уйига юрак бетлаб қайси ўғри кира олади! Чекувчиларга итлар ҳам ҳамла қилмайди, чунки тамаки кашандага турли хасталиклар олиб келади ва у тезда қадди дол бўлиб, ҳассага суяниб қолади. Энди қайси бир ит-қўлида таёғи бор кишига ҳамла қилади! Ва ниҳоят, тамаки чеккан киши ҳеч қачон қаримайди, чунки у ёшлигдаёқ ўлиб кетади...

Илҳом ҒАНИЕВ

СЕЗГИР ЭР

Норғозининг хотини «жон» деса жон оладиган чиқиб қолди. Шунинг учун Норғози хотинининг оғзи қирмирлашдан нима демоқчилигини дарров билиб олади. Хотини гапига «жон» қўшиб гапирдимми, тамом, Норғозини жони чиқиб кетади. Бир кунни Норғози лўлаболишни қўлтигининг тагига қистириб, ён-бошлаб ётган эди, хотини эшикдан илондек ўрмалаб кириб эшди.

— Дадажониси, — деди илондек вишиллаб. — Биласизми?..

Норғозига ҳаммаси аён бўлди-қолди.

— Ярақ-юруқ қўйлак олганга ўхшасанми, дейман-да, а? — деди хотинига.

— Нера бундай деяпсиз? — деди хотини эшик кесакасига суйқалиб. — «Жон»ни қўшдинг-ку!

Хотини қўлларини тиззаларига уриб, қаҳқаҳа отиб гузди.

— Жуда ҳам сезгирсиз-да, — деди кулгидан тўхтаб. — Қўйлаклик матони кеча олганман. Бугу тилла тиш қўйдириш учун тилла соатингизни дўхтирга топшириб келлапман, дадажониси.

— Во-ҳе, — деди Норғози чап кўкрагини чағаллаб, — яна «жон» дедингми?

— Бу ҳали ҳаммаси эмас, жоним! Яна бир танишимга дам олиш учун бюртма бериб келдим...

— Пулдан қолдими? Қолган бўлса, менга ҳам бергин!

— Эй, сиз пулни нима қиласиз?

— Нима қилардим, охиратимга озгина...

— Ҳалидан охиратни гами?

— Ахир яна икки марта «жон» қўшсанг, мен тамомман-да, хотин!

— Вой, ундай деманг, дадажониси... эй, дадаси...

Нормамат ТОҒА

КИНОТЕАТРДА

— Узинг бир ўйла, — деди бир қиз дуғонасига, — кеча кинотеатрда бирдан чирок ўчиб қолди. Ун дақиқача одамлар қоронғида ўтиришди.

— Залда тўс-тўполон бўлиб кетгандир-а?

— Бўлди, — деди қиз. — Фақат чирокни ёқшганларидан сўнг.

ЯНГИ ЭР

— О, Таннозхон, эринг янги кастюм-шимда шунақанги очилиб кетибдики!

— Нимасини айтасан! Бу фақат янги кастюм-шим эмас, эримнинг ўзи ҳам янги.

ЯРАШИБДИ

— Қарагин, ана у йигитнинг оёқларини қийшқиллигини.

— Ҳа, уними? У менинг бўлажак қайлигим.

— Шунақами? Оёқларининг қийшқиллиги ўзига шунақанги ярашибдики...

Е ДЕНГИЗГА, Е ТОҚҚА...

— Дўхтиржон, менинг эримни мияси жуда ҳам чарчаган. Сиз қаерга дам олишимизни маслаҳат берасиз? Денгиз бўйигами ёки тоққамми?

— Сиз — денгиз бўйига, эрингиз — тоққа. Еки теска-риси...

ЛОТАРЕЯ

— Агар мен лотарейдан ютсам, — деди хотин эрига суйқалиб. — Узимга янги қўйлак сотиб олардим.

— Агар ютмасанг-чи?

— Унда сиз ўша янги қўйлакни сотиб олиб берасиз.

Т. ЗОЙИРОВ тўплаган.

ЛАТИФАЛАР

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Зокир УБАЙДУЛЛАЕВ, Рўзимат САФОЕВ,

Абсалом УСАНОВ, Абдумуталлиб РИЗОҚУЛОВ,

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси.

Газетамиз ҳомийси Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармасининг «Чинор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Тахририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Оила ва Ҳақиқат»дан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700029, Мустақиллик майдони, 1-бино.

Телефон: 39-43-95

Иқром ИСКАНДАР навбатчилик қилди.

Обуна индекси — 64654

Рўйхатга олиш № 33

Буюртма № Г-976. 34584 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми, 2 босма табоқ.

Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадахон ЕҚУБОВ, Фарҳод РЎЗИЕВ, Мухаббат ИБODOVA, Ҳалим САЙИИД (бош муҳаррир ўринбосари), Ботир ЭРНАЗАР (масъул котиб)